

Жиноят-процессуал кодексида (1994 йил) белгиланган тартиб ва муддатда кассация шикоят бериш ҳуқуқини амалга оширолмаган шахслар, қонуний кучга кирган суд қарорларига назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2000 йил 4 декабрдаги ҳукмига кўра, Н.Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «а,г» бандлари, 97-моддаси 2-қисми «л» банди, 112-моддаси 1-қисми билан Жиноят кодексининг 59-,61-моддалари тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди кассация инстанциясининг 2008 йил 12 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасида жиноят ишларини юритиш иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилиши назарда тутилган.

Қонунда жиноят ишини юритишда, тегишли процессуал ҳаракатлар ўтказиш ёки процессуал қарорларни қабул қилишда иш юритилаётган пайтда амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчилиги қўлланилиши кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, жиноят-процессуал қонунчилиги орқага қайтиш кучига эга эмас.

Бинобарин, Жиноят-процессуал кодексида (1994 йил) белгиланган тартиб ва муддатда кассация шикоят бериш ҳуқуқини амалга оширолмаган шахслар, қонуний кучга кирган суд қарорларига назорат тартибида, ЖПК 510-моддасига асосан шикоят бериш мумкин.

2000 йил 14 декабрда қабул қилиниб, 2001 йил 27 февралдан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан

апелляция тартибида, қонуний кучга кирган, бироқ апелляция тартибида кўрилмаган суд қарорлари устидан кассация тартибида шикоят ёки протест келтириш тартиби жорий этилган.

Шу билан бирга ишни юритиш янги қоидалар бўйича амалга оширилса-да, янги қонун кучга киргунига қадар бажарилган барча процессуал ҳаракат ва чиқарилган қарорлар ўз кучини ва моҳиятини сақлайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2009 йил 9 январда жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди кассация инстанциясининг Н.га нисбатан чиқарган ажримини бекор қилиб кассация иш юритишни тугатди.

Назорат иши ЖСХ-01-09